*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2007** йил, **16** март, жума № **11** (2190).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **16** марта, **2007** год, № **11** (2190).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена договорная

Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади.

**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Баҳор байрами – Наврўзи олам кириб келаётгани муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда барча ватандошларимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ҳамда тинчлик, фаровонлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларингиз биз, Саудия Арабистони Подшоҳлигида яшаётган ўзбекларни ғоят қувонтиради.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти – ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, шубҳа йўқки, юртимизнинг, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган буюк ҳиссасининг ёрқин эътирофидир. Бу олий мақом бизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларининг диний қадриятларни, ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг бой меросини тиклаш ва асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Сунъий йўлдош алоқаси орқали «Ўзбекистон» телерадиоканали дастурларини кузата бориб, Сизнинг хайрли ташаббусингиз билан Самарқанднинг 2750 йиллик ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик тўйларига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз бутун ислом оламида машҳурдир. Жаноби Олийлари, Истиқлол йилларида Ўзбекистон эришаётган ютуқлар билан телевидение орқали танишиш имконияти яратилгани учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Ушбу қувончли кунларда Парвардигордан Сизнинг доно раҳбарлигингизда тараққий топиб бораётган Она Ўзбекистонимизга узоқ йиллар тинчлик ва фаровонлик ато этишини, уни жамики бало-қазолардан асрашини сўраймиз.

Камоли эҳтиром билан,

**Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилаётган ўзбеклар номидан:**
**Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,**
**Тўрахон Жалолхон Тўра Марғилоний,**
**Мелибек Тошкандий,**
**Мўминжон Исмоилжон Андижоний,**
**Олимжон Исмоилжон Андижоний,**
**Аҳмадали Турон Туркистоний,**
**Абдуллажон Исмоилжон Туркистоний,**
**Абдураҳмон Хўжа Туркистоний.**

Жидда шаҳри,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги.




*Метин сафлар чорлайди бизни*

# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз 15 март куни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бориб кўрди.**

Юксак мартабали меҳмон дастлаб Самарқанддаги Исмоил Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Буюк муҳаддис бобомиз хоки қўним топган ушбу даргоҳда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Шавкат Азиз Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонасини кўздан кечирди. Қадимий шаҳар зиёратидан унутилмас таассурот олганини, айни пайтда юртимизда аждодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш ишларига алоҳида эътибор берилаётганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади.

Покистон Бош вазири Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилди. Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи Калон мажмуи, Мир Араб мадрасаси билан танишди.

Шавкат Азиз Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали кечганини, Самарқанд ва Бухородаги муқаддас қадамжоларни, тарихий обидаларни зиёрат қилишга муяссар бўлганидан ғоят мамнун эканлигини таъкидлади.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдик, – деди юксак мартабали меҳмон. – Ўзбекистонга ташрифимиз асносида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишига ишончим комил.

Ўзбекистон буюк алломалар, жумладан, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган муҳаддислар етишиб чиққан табаррук заминдир. Бу заминда бўлган киши узоқ тарихга саёҳат қилгандай ҳис этади ўзини. Ўзбекистонга ташрифим ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман.

**(ЎзА).**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Жамият яралибдики, аёл унда ўз ўрнига эга бўлишга интилиб келади. Ундаги ғайрат, шижоат, яратувчанлик қобилияти, ҳаёт синовларига бардошлилиги «аёлнинг қирқта жонини» кашф этган бўлса, ажаб мас. Ҳассос табиатнинг бу нозик ҳилқатга оналик бахтини муносиб этгани эса, аёл зотини мукарраму мўътабарликда эъзоз топиши учун бир иноятдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Аёл оламни гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун яратилган».

Ўз Ватанинг, ўз эркингга ўзинг эгалик қилишга нима етсин. Бугун ҳур ўлкамиз хотин-қизларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ҳам ўзлигимизга, менталитетимизга хос. Ушбу мақоламизда айнан юртимиз хотин-қизларини мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан олиб борилган ишлар хусусида тўхталишни лозим топдик.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, давлатимиз раҳбарияти томонидан аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун кенг имкониятлар яратиш борасида бир қатор эзгу ишларга қўл урилди. 1995 йилнинг мартида Республика Президенти томонидан юрт аёлларининг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини оширишга бағишланган махсус Фармони қабул қилинганлиги сабаб хотин-қизлар қўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди.

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## ЎЗИМИЗГА ХОС ВА ЎЗИМИЗГА МОС ЧАҚИРУВ

Яқинда оммавий ахборот воситаларида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Демак, билаклари кучга тўлган, қалблари садоқат, матонат туйғуларидан нафас олаётган, интеллектуал салоҳиятда намунали ўғлонларимиз Ватан хизматига отланишади. Амалга оширилаётган ислоҳотлар сабабли ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва зиё масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айланган миллий армиямизда тобланган марду майдонларимиз резервга бўшашади. Фахр, ғурур билан айта оламизки, бу мактабни ўтаган мардларимизга таянишимиз, суянишимиз мумкин. Хўш, чақирув тизимидаги бундайин ислоҳотлар замирида нима бор? Амалга оширилган улкан ўзгаришлар бизга нима берди? Келинг, аввало мана шу саволларга жавоб берайлик.

Табиийки, бу ўринда Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги айтган фикрларини эсга олмоқ лозим: «Қани айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?».

**(Давоми 4-бетда).**

## РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Навоий шаҳрининг қир-адирларга туташ "Бунёдкор" маҳалласида ҳашар йўли билан "Эҳсон" боғи барпо этилди. Қарийб уч гектар тошлоқ ерга "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти кўмагида 1,5 минг туп мевали, 11 минг туп манзарали дарахт, 15 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди.

●

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин паллага кирди. "Сурхон-озиқ-овқатсаноати" акциядорлик жамияти томонидан Жарқўрғон туманида зайтунзор барпо этилмоқда. Ниҳолларни экиб, парваришлаш учун Оқтепа даҳасидан 20 гектар ер ажратилди.

●

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га асосан мамлакатимизда маҳалла оқсоқолларининг ҳудудлараро ўқув-семинарлари давом этмоқда. Фарғона вилоятида ҳам ана шундай ўқув-семинарлар бошланди. Уларда 900 дан зиёд маҳалла оқсоқоли иштирок этмоқда. Саккиз ҳудудда ташкил этилган семинарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими раҳбарлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий билимларини, ташкилотчилик малакаларини оширишга катта эътибор қаратилаётир.

●

Ўзининг 2000 йиллик тўйини қарши олаётган Марғилонда байрам айниқса, катта шодиёналар билан кутиб олинмоқда. Бирин-кетин фойдаланишга топширилаётган ижтимоий-маиший объектлар байрамга муносиб туҳфа бўлаётир. Наврўз шодиёналарига тайёргарлик кўраётган "Нурхон" халқ театри, "Чодиржамол" фольклор-этнографик жамоаси, марказий маданият уйи ҳамда ёш хонандаларнинг репертуарларидан она-юрт мадҳи, миллий маданият ва урф-одатларимиз акс этган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари ўрин олган.

●

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида ҳам Наврўзи оламга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Наврўз кунлари шаҳарда "Энг обод маҳалла", "Намунали хонадон" кўрик-танловларини ўтказиш режалаштирилган. Байрам кунлари миллий спорт ўйинлари, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари кўргазмалари, миллий таомлар кўриги ташкил этилади. А.Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театри эса шаҳардаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари билан ҳамкорликда "Наврўз жилолари" театрлаштирилган байрам томошасини тайёрламоқда. Бундан ташқари, шаҳарда "Ўзбек киноси ҳафталиги" ўтказилади. Айни кунларда шаҳарда хайрия марафони ўтказилмоқда.

●

Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2006-2010 йилларга мўлжалланган Оролбўйи табиатини яхшилаш, минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш дастури асосида тупроқ шароитини яхшилаш ва ер унумдорлигини ошириш, балиқчиликни ривожлантириш каби мақсадларда Мўйноқ туманидаги сунъий кўлларни тоза сув билан тўлдириб бориш белгиланган. Ушбу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларининг зах сувлари Амударёга ташланмай, Жанадарё орқали тўғри Орол денгизига қуйилади. Натижада мазкур минтақада юз минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экологик иқлим шароитини барқарорлаштириш имконияти туғилади.

●

Наврўз байрами арафасида Тошкент вилояти аҳолисининг саъй-ҳаракати билан олти минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Зиёратгоҳ, қабристон ва бошқа табаррук қадамжолар тартибга келтирилиб, бир ярим минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди. Байрам олдидан ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинмоқда. Бу тоифа ҳамюртларимизга яқиндан ёрдам бериш мақсадида уларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Шунингдек, вилоятнинг қатор туманларидаги кам таъминланган оилаларга қорамол тарқатилди.

**(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## ДОНИШМАНД НАВРЎЗИМ – ҲАЁТБАХШ ҚЎШИҒИМ

Атрофга бир назар ташланг. Қушларнинг ёқимли чуғур-чуғури, майсаларнинг хушбўй иси, ўрик гулининг уфори – бари-бари хонангизга кириб, гўё баҳорнинг янги, ҳаётбахш қўшиғини – Наврўзни айтишга ошиқаётгандек.

Президентимиз, истиқлолимиз сабаб уч минг йилдан зиёдроқ тарихга эга «мўйсафид» Наврўзимиз, демакки ўзлигимиз ўзимизга қайтди. Халқимизнинг ўзидек донишманд Наврўз истиқлолдан куч олиб, янгича рангда, янгича мазмунда жилоланмоқда, бугун.

Эътибор берганмисиз, баҳор келиши, Наврўз келиши билан ҳар қайси одам бу ёруғ дунёнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини худдики янгитдан англаб, дилида мудраб ётган эзгу ниятлари, орзу-умидларини, қалбининг тўрида бўлган меҳр ва саховатини намоён этишга интилади. Ҳа, Наврўзимиз кўнгилларга янгиланиш, яшариш, бунёдкорлик руҳини олиб киради ва бизни эзгуликларга йўллайди.

**(Давоми 8-бетда).**




2 **ҲАРБИЙ ЛИЦЕЙ**
**ОРЗУЛАР УШАЛАР БУНДА**



3 **НАВРЎЗНИНГ НАФАСИ ШУНЧАЛАР ШИРИН**
**НАВРУЗ: ФИЛОСОФИЯ ЖИЗНИ, СВЕТ ЧЕРЕЗ ВЕКА**



4 **БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ – 2007**
**ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИ ПАЛЛАДА**



8 **САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА**
**ШАРҚ ГАВҲАРИ, ЗАМИН САЙҚАЛИ**

БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ – 2007

# ЎЗИМИЗГА ХОС ВА ЎЗИМИЗГА МОС ЧАҚИРУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аввало мана шу саволларга, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўйган долзарб масалаларга ечим топганимиз бу борада ҳам ўзимизга хос ва мос йўлимиз борлигини кўрсатди. Миллий армиямизда хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди. Демак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланди. Қуролли Кучларимиз сафларига энг муносиб ўғлонлар сараланиб олинмоқда. Резервга бўшатилганларнинг бандлиги, олий ўқув муассасаларида таълим-тарбия олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мазкур эзгу ишларнинг бари ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилмоқда. Ҳа, шундайин руҳда камолга етаётган авлод ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

2006 йилнинг кузида тавсиянома билан резервга бўшаган, бугунги кунда олий ҳарбий билим юртларидан бирига ҳужжат тайёрлаётган йигитни биламан. Исми-шарифи Чори Сариев, сурхондарёлик. Армиядан фахрий ёрлиқлар, тавсиянома олиб келган, постда ҳушёр тургани, сергаклиги учун, тартиббузарни қўлга олгани учун тақдирланган. Энг муҳими ҳарбий хизмат унга ҳаётдан ўз йўлини, ўрнини топишга кўмак берганида, резервга бўшаган бундайин аскарларимиз бор кучини, билимини, ҳаёт мактаби бўлган армияда олган сабоқларини, керак бўлса, борлиғини юртининг буюк келажаги йўлида сафарбар этишида. Бир сўз билан айтганда, улар она Ватанимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб шаклланишганида. Мана, армияга ёш авлоднинг энг муносибларини танлаб олишимиз, уларга ҳаёт мактабида улкан сабоқлар беришимизнинг самараси.

Бугун сир эмаски, ҳатто ривожланган, иқтисодий жиҳатдан қудратли айрим мамлакатларда ёшлар ўртасида армияда хизмат қилишдан бўйин товлашдек муаммолар мавжуд. Армияси сафларини бошқа мамлакатлар фуқароларини ёллаш ҳисобига бутлашга уринаётган юртлар борлигини ҳам биламиз. Бизда эса бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимида улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Ўз сўзинг, ўз йўлинг бўлгани яхши-да.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида чақирув комиссиялари борасида сўз юритилади. Унда жумладан шундай ёзилган: «Чақирув комиссияларининг тузилиши ва фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Жойлардаги чақирув комиссияларига тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари раис этиб тайинланадилар...» Бунга урғу бераётганимизнинг сабаби чақирувнинг давлат аҳамиятига молик муҳим иш эканлигини таъкидлаш. Бу жараёнга жойларда маҳаллий давлат бошқарув органлари бош-қош бўлади, дегани. Давлат бошқарув органлари назоратга олдими, демак, чақирувнинг сифати талаб даражасида бўлади. Кўзланган самарага эришилади. Қолаверса, чақирув комиссияси таркибида «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний» каби жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам бўлишади. Уларнинг иштироки эса адолатни таъмин этади. Фарзандларини жамоатчилик, халқ вакилларининг ўзи саралаб, қобилияти, салоҳияти, фазилатларини синовдан ўтказиб, миллий армиямиз сафларига жўнатади, дегани бу.

Ортда қолган йилнинг кузги чақируви маҳали хизмат сафари билан Фарғонага бордим. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бош мутахассиси истеъфодаги майор Жумамурод Собиров мен билан суҳбатда шундай деган эди:

– Биласизми, илгари йиғин пункти бошлиғи бўлиб ишлаганман. Очиғи, ўша пайтларда чақирувга давлат, жамоатчилик ҳозиргичалик эътибор бермасди. Ҳатто, айримларда фарзандларини армиядан олиб қолишга уринишлар учрарди. Бугун истиқлолга эришиб, ислоҳотлар натижасида армияда хизмат қилиш том маънодаги шарафга айланди. Чақирув тизими ҳар томонлама шаклланди. Маҳаллада яшайман. Одамлар онгида миллий армиямиздан ғурурланиш, фахрланиш ҳисси юксаклигини кўраман. Фарзандларимиздаги миллий армиямизда хизмат қилишга бўлган қизиқишни, шижоатни кўриб, қувонасан, киши.

Бундайин мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кейинги пайтларда қабул қилинаётган қарор ва ҳужжатларда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилиш, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилиши, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминлашдек муҳим вазифалар илгари сурилиб, бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чақирилувчининг муайян мезонларга асосланган кўрик-танловдан ўтиши унинг ҳар томонлама сараланишига, миллий армиямиз сафлари асл ўғлонлар ҳисобига бутланишини таъминламоқда. Бундайин саралашнинг, бундайин танловнинг ўзи бошқа мамлакатларда учрамайдиган муҳим янгилик. Дейлик, танловда руҳий мезон мавжуд. Демак, бу бўлғуси посбон маънан-руҳан соғлом бўлмоғи керак, дегани. Ҳа, бугун биз буйруққа кўр-кўрона бўйсунадиган эмас, кимни ҳимоялаётганини, кимга хизмат қилаётганини онгли равишда биладиган, ҳис қиладиган ватанпарвар фарзандлар ҳисобига сафларимизни бутлаяпмиз. Чақирилувчининг интеллектуал даражасини олайлик. Бугун ахборот асрида, тараққий этган бир замонда яшаяпмиз. Миллий армиямиздаги замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг, қурол-аслаҳаларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаш учун ўғлондан юксак ақлзаковат талаб қилинади.

Президентимиз ташаббуси билан фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, резервга бўшатилганларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби борасида низом ишлаб чиқилди. Бу билан чақирув борасидаги ислоҳотларимиз янги бир босқичга кўтарилди. Бугун юрт ҳимоясига отланган шерюракларимизни кенг жамоатчилик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари зўр тантана билан кузатиб, резервга бўшаган ўғлонларини шодиёна билан кутиб олишяпти.

Чақирув ёшига етган, ўзини шу Ватан, шу халқ тақдирига бефарқ билмаган йигит борки, суҳбатлашсангиз, «мен ҳам Ватаним ҳимояси йўлида жавлон урсам, эгнимга ҳарбий либос кийиб, конституциявий бурчимни ўтасам, ҳаёт мактаби бўлган армияда тоблансам», дейди. Ўғил ўстирган ота-онанинг ўй-фикрида «менинг ўғлим– менинг арслонимни ҳам ҳарбий хизматга олишса, фарзандим йигитлик бурчини ўтаса, тобланиб, чиниқса» қабилидаги хаёллар, орзулар, бўғун. Гўзал ва лобар қизларимиз қалбида «менинг ёрим эгнига ҳарбий либос кийиб, Ватан ҳимояси йўлида бурчини бажарса, чиниқиб, тобланса», деган ўйлар. Бу ислоҳотларимиз самараси, ислоҳотларимиз меваси.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

Мудофаа ишлари бўлимларида

# ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИ ПАЛЛАДА

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан жойлардаги мудофаа ишлари бошқармаси, бўлимлари томонидан чақирув ёшига етган фуқаролар Қуролли Кучлар сафига чақирилади.**









Она Ватанни ҳимоя қилиш азал-азалдан эр йигит учун катта шараф ҳисобланган. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар сабаб, бугун армиянинг нуфузи ошди, ҳарбийда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг эзгу орзусига айланиб улгурди. Ҳеч бир ота-она йўқки, фарзандини ҳаёт мактаби деб аталмиш армияда хизмат қилиб, ҳар томонлама чиниқиб, баркамол инсон бўлиб етишишини истамаса. Ҳа, армияда хизмат қилиш ёшларимиз қалбида фахр ва ғурур туйғусини уйғотаётганини кўриб, қувонасан киши.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани мудофаа ишлари бўлимида ҳам навбатдаги чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш, саралаш босқичларини амалга ошириш ишларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

– Туман ҳокимининг буйруғига мувофиқ январь ойиданоқ, чақирув комиссияси аъзолари билан биргаликда баҳорги чақирувга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз, – дейди мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Бекзод Саидиганиев. – Шу кунларда ҳарбий билим юртлари ва лицейларига ҳужжат топшириш мақсадида ариза ёзган, шунингдек, навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларимиз тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Мудофаа ишлари бўлими биносига кирар эканмиз, у ерда ташкиллаштирилган шароитлар бизни анча қувонтирди. Чақирилувчилар учун мўлжалланган тушунтириш ишлари олиб бориш хонаси, ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан суҳбат ўтказиш хоналари, Қуролли Кучларимиз тарихи, бугунги куни акс эттирилган плакат ҳамда чақирилувчиларга керак бўлган маълумотлар, ахборотлар билан жиҳозланган.

Шифокорлар учун махсус хоналар ажратилган бўлиб, зарур тиббиёт анжомлари билан таъминланган. Бўлимда еттита мутахассисликлар бўйича тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатишмоқда.

– Чақирилувчиларнинг аксарияти муддатли ҳарбий хизматга боришни хоҳлашади, – дейди чақирув комиссияси катта шифокори Салтанат Муҳаматалиева. – Йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида уларнинг шу кунгача оғриган хасталиклари билан тўлиқ танишиб чиқамиз. Бунда жойлардаги оилавий шифохоналарнинг ёрдами жуда катта бўлмоқда. Шунингдек, чақирилувчиларни шу ернинг ўзида руҳшунос, ички касалликлар, асаб касалликлари, кўз, жарроҳ, бурун, томоқ, қулоқ каби касалликлар бўйича малакали шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли маслаҳатлар бериб, зарур чоралар кўрилмоқда.

Ўғлонларни ҳарбий хизматга тайёрлашда мактаб, лицей, коллежлар билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаолларининг ҳам ўрни каттадир. Туманда бу борада сезиларли ижобий ишлар олиб борилмоқда.

– Туман ҳокимининг буйруғига асосан, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари, чақирув комиссияси раиси Ботир Умаров, – маҳалла раислари чақирув ёшига етган йигитлар ва уларнинг ота-оналари билан доимий алоқада бўлиб, суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Чақирилувчиларнинг ўз вақтида мудофаа ишлари бўлимига келишини ҳам айнан маҳалла раислари таъминлаб беради.

Шунингдек, чақирув комиссияси таркибига туман ички ишлар бўлими масъул ходими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси, «Маҳалла» жамғармаси, вакиллари, туман болалар спортини ривожлантириш бўлими мутахассислари, бошқа давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари киритилган. Улар ёш йигитлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар олиб боришади. Буларнинг барчаси ўз самарасини бериб келмоқда.

Туманда фаолият юритаётган 53та маҳаллада бу борада бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мудофаа ишлари бўлими ходимлари иштирокида маҳалла гузарларида чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан доимий учрашувлар ўтказилиб борилмоқда. Уларга Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва хизматдан резервга бўшатилган ёшларга ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ҳамда кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида етарли маълумотлар берилмоқда. Бу ўз ўрнида ёшлар қалбида ҳарбий хизматга нисбатан янада қизиқишни орттирмоқда.

– Менда ҳарбий хизматга қизиқиш мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ пайдо бўлган, – дейди чақирилувчи Жаҳонгир Абдумаликов. – Ватанни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Армияда аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлардан матбуот, шунингдек, мудофаа ишлари бўлими ва маҳаллаларда ташкиллаштирилаётган чақирувга оид суҳбатлар, учрашувлар орқали кўпгина маълумотларга эга бўлаяпмиз. Шунинг учун ҳам эл корига камарбаста бўлиб, ҳаёт мактабида ҳар томонлама чиниқиб, тобланишга ҳамда ўз конституциявий бурчимни ўташга қарор қилдим.

Тумандаги маҳаллалар орасидан Собир Раҳимов, «Бинокор» , Иноғом Юнусов, «Сивец», «Наврўз», «Бирлашган» кабилар чақирув жараёнида энг фаол иштирок этаётган маҳаллалар сирасига киради.

– Тиббий кўрикдан ўтган йигитлар, – дейди мудофаа ишлари бўлими чақирув бўлинмаси бошлиғи майор Эштўхтар Бўриев, – кейинги босқичлар асосида сараланиб олинади. Уларнинг биринчи навбатда жисмоний тайёргарликлари текширилади. Бунда ўғлонлар 100 ва 1000 метрга югуриш, турникда тортилиш каби синовлардан ўтадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан тақдим этилган тест саволлари асосида чақирилувчининг интеллектуал салоҳияти ва билим даражаси имтиҳон қилинади. Унда йигитлар математика, она тили ва адабиёт ҳамда Ўзбекистон тарихи бўйича тузилган тест саволларига жавоб беришади. Етарли балл тўплай олмаганларга иккинчи имконият ҳам берилади. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилмай қолганлар, яъни тест синовларидан юқори баллни қўлга киритолмаганлар сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтайдилар.

Ҳа, шу кунларда барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бўлган киши ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишлари кенг кўламда амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Ишончимиз комилки, ўз олдига эзгу мақсадларни қўйган бугунги чақирилувчилар ҳам мустақил юртимизни шараф билан ҳимоя қилиб, масъулиятли вазифаларини ва билдирилаётган юксак ишончни ёруғ юз ила ўтайдилар.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

Армия менинг ҳаётимда

# ЮРТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, айни пайтда армиянинг нуфузи кундан-кунга ортиб, тобора фахр-ифтихор касб этиб бормоқда. Биргина муддатли ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларнинг ўзиёқ профессионаллик йўлида шаклланаётган миллий армиямиз мавқеи, тутган ўрни қай даражада юксаклигидан далолатдир. Масалан, йигитлар ҳарбий хизматга йўл олаётганда ва резервга бўшатилаётганда байрамона тарзда кузатилиши, шунингдек, кутиб олиш ҳам тантана билан амалга оширилиши, бу асосда тегишли низом ишлаб чиқилиб, давлат эътибори даражасига айлангани миллий менталитетимизга асосланган урф-одатларимизга ғоят мосдир. Агарда Ватан ҳимоячиси ҳарбий хизмат мобайнида ҳар томонлама ўзини кўрсатиб, тавсиянома олишга сазовор топилган бўлса, Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига биноан олий ўқув юртларига ўқишга кираётганида умумий тўпланиши мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Мабодо давлат гранти асосида ўқишга тўплаган баллари етмайдиган бўлса, у ҳолда шартнома асосида ўқиётган, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан бўлган собиқ аскар йигитларга тўлов контрактнинг 35 фоизи мазкур Ҳаракат томонидан тўланади.

Бугунги кунда олий ўқув юртларида илм олаётган ёшлар орасида ана шундай имтиёзлар туфайли талаба деган юксак номга сазовор бўлган йигитлар кўпчиликни ташкил қилади. Биргина Тошкент автомобиль йўллар институтида ўтган 2006 йилнинг ўзида 224 нафар ўғлонлар берилган имтиёзлар сабабли институт талабасига айланди. Ҳозирда улар ушбу ўқув юртида билим олиб келажаклари учун мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда. Мазкур институтнинг фаол талабаларидан бўлган Азамат Мулатжонов ва Азизбек Азимовлар ҳам муддатли ҳарбий хизматдан ўз иқтидори, аъло хизматлари учун тавсиянома билан қайтган ёшлардан. Эндиликда улар ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассислари бўлиб, юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Келинг, яхшиси бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитайлик.





**Азамат Мулатжонов:** – Армия менга жуда кўп нарсани ўргатди. Қатъият, шижоат, фидойилик, ўзимга ишонч туйғуларини айнан хизмат туфайли кашф этдим, десам ёлғон бўлмас. Айниқса, хизматдан тавсиянома билан қайтганим менга жуда катта имкониятлар эшигини очди. Болалигимдан техникага қизиққанлигим сабабли армиядан қайтганимдан сўнг Тошкент автомобиль йўллар институтининг автомобиль транспорти факультетига ҳужжат топширдим ва шартнома асосида ўқишга қабул қилиндим. Институтнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Аммо бунга мен каби ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитларнинг тезда мослашиб кетишлари осон бўлди. Ҳаёт мактаби ҳисобланмиш армия йигитларни ҳар томонлама жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтираяпти. Мен шуни чексиз ғурур ва ифтихор билан айта оламанки, армия мени ҳаётга жиддий кўз билан қарашга, орзуларим сари муттасил интилишга ўргатди, ўқишга бўлган иштиёқимни янада мустаҳкамлади.

**Азизбек Азимов:** – Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучларига қарашли қисмлардан бирида хизматимни адо этдим. Армия ҳаёти менга жуда ёқди. Таъбир жоиз бўлса, хизматда пишиб-тобландим, тарбия олдим. Айниқса хизматдан тавсиянома билан қайтганим менга олий ўқув юртига киришимда қўл келди. Ҳозирда тўлов-контракт асосида таълим олаяпман. Лекин мен каби ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларга берилаётган имтиёзлар туфайли шартнома пулини тўлашда қийналаётганим йўқ. Институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзосиман. Шу боис шартнома пулининг ўттиз беш фоизи мазкур ташкилот томонидан қопланади. Институтимизда ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитларга жуда катта эътибор қаратилган.

Мен бизга кўрсатилаётган бундай ишонч ва ғамхўрликдан жуда мамнунман. Келажакда албатта ишончни оқлаб юртимизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Александр МРУЧАК олган сурат.**

# МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР

Айни кунларда республикамизнинг барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида қизғин иш фаолиятини кузатишимиз мумкин. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилингач янада жонланди.

Барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилган изчил ислоҳотлар ҳам қисқа фурсатларда ўзининг улкан самарасини кўрсатди. Ҳарбий хизмат нуфузи салмоқли даражада ошди. Тезкор, замон талабларига жавоб бера оладиган, сафларида етук ўғлонлар хизмат қилаётган миллий армиямиз шаклланди. Бугун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида бўлиш ҳар бир йигитнинг эзгу орзусига айланган.

Йилдан йилга чақирув талабларининг мукаммаллашиб бориши ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган йигитлар сонини оширса оширмоқдаки, асло камайтирмаяпти. Айни кунларда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳар томонлама етук, баркамол посбонлар адолат тамойилларига асосланган чақирув мезонларининг амалдаги исботидир.

Қашқадарё вилояти мудофаа ишлар бошқарма ва бўлимлари ҳам Республика Қуролли Кучлари сафини сифатли бутлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

– Ҳарбий хизмат нуфузининг ошиши юрт эртаси бўлган ёшларимизнинг миллий армия сафларида хизмат қилишга бўлган иштиёқларини янада орттирмоқда, – дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Мунаввар Эгамназаров. – Бугун улар олдида мураккаб синовлар мавжуд. Бу синовлар ҳамма жойда адолат устуворлигида ўтказилади. Бўлимларимиз баҳорги чақирувни юксак савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрдилар. Айниқса, бу борада офицер Шамсиддин Абдуллаев етакчилик қилаётган Қарши, офицер Баҳром Холмўминов бошқараётган Ғузор ҳамда офицер Аҳрор Назаров етакчилигидаги Китоб туманидаги мудофаа ишлари бўлимларининг фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор.

Бугун вилоят бошқармасининг ана шу илғор бўлимларидан бири Китоб тумани ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

Баҳорги чақирувнинг юксак савияда ташкиллаштирилиши жамоанинг ҳар бир аъзосига катта масъулият юклайди. Бир неча йиллардан буён вилоятнинг энг илғор туманларидан бири сифатида эътироф этиб келинаётган Китоб тумани мудофаа ишлари бўлимида ана шундай юксак масъулиятни теран ҳис қиладиган фидойилар фаолият кўрсатишади.

– Бўлим эришган муваффақиятларда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аҳрор Аҳмедов, Қуролли Кучлар хизматчилари Маҳбуба Ҳамроева, Гулжаҳон Аҳмедоваларнинг алоҳида ўрни бор, – дейди офицер Аҳрор Назаров. – Бундан ташқари ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар ҳам ютуқларимизнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Туманнинг Ҳамид Олимжон, Али Қушчи номли маҳаллалари ватанпарварликни тарғиб қилувчи кўплаб тадбирларда бизга яқин кўмакчи бўлиб келадилар. Баҳорги чақирувни аҳил жамоамиз билан юқори савияда, сифатли ўтказишга ҳаракат қиламиз. Китоблик йигитларнинг ҳар доимгидек бундан буён ҳам аъло хизматлари билан ота-оналари, маҳалла-кўйлари, юрт олдида юзлари ёруғ бўлиши шубҳасиз.

**Назакат ЗАКАРИЁЕВА.**

# АҲИЛ ОИЛА – ЮРТ РАВНАҚИ ДЕМАК



Миллатимиз элу элатлар ичида ўзининг оилапарварлиги, болажонлиги билан ажралиб туради. Ногоҳ учрашиб қолган икки инсоннинг суҳбати салом-аликдан сўнг оилаю фарзандларга келиб тақалиши шундан. Аслида ҳам инсон бахти унинг ҳаёти йўлидаги уч омил; танлаган касби, файзли хонадони, орқасида қоладиган қобил фарзандлари билан тўкиндир.

Ушбу мақоламизда «Жасорат» медали совриндори майор Азимжон Мажидовнинг ҳаёт йўлига – минг бир синовлар ила эришган ҳарбийлик касбию меҳру муҳаббатдан бунёд этилган оила қўрғонига назар ташлашга қарор қилдик.

Миллий армиямизнинг қад ростлаши элимизнинг норғул фарзандларини юзага чиқарди. Ватан мустақиллиги, эл осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини асрашга қодир ёвқур ўғлонлар Қуролли Кучларимиз сафидан муносиб жой эгаллаб келмоқда. Мана шулар сафида Азимжоннинг ҳам посбонларга ўрнак бўла оладиган ўз ўрни бор. У ҳарбий хизматга шунчаки қизиқиш туфайли кириб келган эмас. Юрагидан муқим жой эгаллаган, келажак ҳаётининг мазмунига айланган орзу-мақсади сари астойдил ҳаракати сабаб офицерлик шарафига муносиб бўлган.

Олий ҳарбий билим юртига иштиёқ ила ҳужжат топширган йигитга дастлаб курсантлар сафида таълим олиш насиб этмади. Муддатли хизматга отланди. Уни армия сафидан сержант унвони билан қайтганлигини ҳисобга олсак, йигитлик бурчини аъло даражада ўтганлигини англаш қийин эмас. Хизматдан сўнг намунали посбон Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлди. Мана, шунга ҳам ўн уч йил бўлаяпти. Билим юртини битирган ёш офицернинг ҳаёти энди ҳақиқий хизматга – масъулиятли бедор онларга уланди. Дастлаб, взвод командири вазифасида хизматни бошлаган йигит ҳарбийлик бурчи сабаб, юртимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмларда ўз малака ва маҳоратини ошириб борди.

Албатта бу орада Наманганнинг Чортоқ шаҳрида истиқомат қилаётган Азимжоннинг ота-оналари унинг «бошини икки» қилишга ҳаракат қилишди. Кўнгил савдоси кимни четлаб ўтмаган дейсиз. Битта маҳаллада ўсиб улғайган синфдоши Муаттархон унинг қалбини банд эта олди. Наманган давлат университетини битирган гўзал қиз билан офицер йигит тақдири ота-оналар розилигида ўзаро боғланди. Бу пайтда келинчак ўзи таълим олган олийгоҳда талабаларга дарс берарди. Энди унинг зиммасига ҳарбий оилага бекалик қилиш масъулияти тушганди. Бу масъулиятнинг асосий шарти «Эр қаерда бўлса, хотин ўша ерда бўлмоғи лозим» нақлига амал қилиб, турмуш ўртоғи қаерда хизмат қилса, ўша ерда унга елкадош бўлиши лозим эди. Муаттархон бу ҳаёт синовини мамнуният билан қабул қилди. Умр йўлдоши билан қаерда истиқомат қилмасин, барча ҳавас қилса арзигулик хонадон тутишга, эгаллаган касбини давом эттиришга ҳаракат қилди.

– Аёл кишининг олдида турган асосий вазифа аввало оила иқлимини чиройли асраш, рафиқалик мажбуриятию оналик бурчини ўз ўрнида бирдек уддалаш деб ўйлайман, – дейди Муаттархон оиласи ҳақида суҳбат кетар экан. – Мен ҳам ҳаётнинг ўзига хос бу қонуниятига амал қилишга ҳаракат қилаяпман. Шунингдек, эгаллаган касбимни ҳам давом эттиришга эришдим. Дастлаб Самарқанд давлат университетида ўқитувчилик қилдим. Ҳозирда турмуш ўртоғимнинг хизмат фаолияти сабаб, Термиз давлат университетида талабаларга чет тили бўйича дарс бераяпман. Мен ҳарбий оила бекаси сифатида шуни англаб етдимки, ҳарбий хизматчи билан умр йўлини боғлаган аёл аввало сабр-қаноатли, ҳар қандай вазиятни тўғри баҳолай оладиган, тадбирли бўлиши лозим. Тўғри, меҳр қўйган гўшанг, ишлаб турган жамоангни ташлаб барчасини янгитдан бошлашинг осон эмас. Бироқ биз ҳарбийларнинг аёллари бу ҳолатга шай турмоғимиз шарт. Чунки аёл учун аввало оила муқаддасдир.

Суҳбат мавзусидан кўриниб турибдики, ҳарбийларимизнинг ҳар бир эришган ютуғида турмуш ўртоқларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Азимжон ҳам қаерда жанговар хизматда бўлмасин, касбий маҳоратда устунлиги, қолаверса, ҳаёт синовларида доно рафиқасининг елкадошлиги сабаб бир қатор муваффақиятларни қўлга киритди. У 2002 йилда жанговар машғулотларда эришган ютуқлари учун муддатидан олдин капитан унвонини олишга эришган. 2005 йилда эса Қуролли Кучлар Академиясини тугатди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги тўйида тажрибали офицернинг фидойи хизмати яна ўз эътирофини топди. Майор Азимжон Мажидов Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бу юксак мукофот лавҳамиз қаҳрамонига аъло хизмати, қисм шахсий таркибининг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда қўлга киритган муваффақиятлари, ҳарбий интизом ва ички тартибни аъло даражада ушлаб турганлиги учун тақдим этилди. Унинг ҳали ёш, шижоатли, интилувчан эканлигини ҳисобга олсак, келажакда янада юксак мукофотларга тақдим этилиши муқаррар.

– Ҳарбийлик касбини эгаллаганимнинг ўзи мен учун ҳаётнинг улуғ мукофоти, – дейди Азимжон суҳбат чоғида. – Менга тақдим этилган «Жасорат» медалини эса ҳар қандай ҳолатда менга елкадош бўлган қадрдон сафдошларимники дейишга ҳақлиман. Чунки зиммамиздаги бурч – талаб ва мажбуриятларни бажаришда, шахсий таркибнинг эришажак ҳар бир ютуғида ўзаро аҳилликнинг ўрни катта. Шу билан бирга оиладаги муҳит қайси касб эгаси бўлмасин, албатта хизмат жараёнига таъсир этади, деб ўйлайман. Шунинг учун турмуш ўртоғинг билан бир-бирингни тушуниб яшаганга нима етсин. Мен бу борада кўриб турганингиздек ҳаётимдан мамнунман.

Фарзандларни оила чироғи дейишади. Ушбу ҳарбий оилада ҳам Элёрбек ва Имоналар вояга етишаяпти. Дадалари офицер, оналари муаллима. Яъни эл хизматидаги фидойи инсонлар. Шундай оилада ўсган бахтли болажонларнинг кўксида ҳам ота-оналари сингари юксак орзулар қанот қоқиши шубҳасиз. Меҳр ришталари ила боғланган бундай аҳил оилалар эса эл равнақи, Ватан келажаги демакдир.

**Зулфия ЮНУСОВА.**
**Тимур КАРИМОВ олган сурат.**

# «СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН»

Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 21-меҳрибонлик уйида «Сен ёлғиз эмассан» хайрия тадбири бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ва Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда офицер ва курсантлар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида Меҳрибонлик уйи директори Малик Рўзиқулов сўзга чиқиб, ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди, уларнинг ишларига омад ва зафарлар тилади. Шундан сўнг махсус факультетнинг «Алоқачи» ансамбли ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан иборат ҳаваскорлар тўгараги қатнашчилари ижросида концерт дастури намойиш этилди. Концерт давомида турли ўйинлар ташкил қилиниб, унда ғолиб бўлган болажонларга махсус факультет раҳбарияти томонидан совғалар тақдим этилди.

Айниқса, концертда ҳарбий либос кийган болаларнинг қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлари, ҳақиқий аскарларга хос ҳаракатлари барчада қизиқиш уйғотди.

– «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан ўтказилаётган ушбу тадбирдан мақсад, – дейди тарбиячи офицер Исроил Мирзаев, – кўнгли ўксик болаларнинг руҳини кўтариш, дилига чироқ ёқиш ва шу билан бирга улар ҳам ўз тенгкурлари қатори тўлақонли инсон эканликларини билдиришдир. Шу сабабли уларнинг қувончларига озгина бўлса-да ҳисса қўшган бўлсак, ўзимизни бахтиёр деб биламиз.

**Лола ҲОЖИМУРОДОВА.**

# СЕҲРЛИ ҚЎШИҚ

Дунёда шундай бир қўшиқ бор, у қайси тилда жаранглмасин барчанинг қалбига йўл топади, каттаю кичикка бирдай ҳузур бағишлайди. Бу қўшиқ – она алласи!

Она алласи боланинг бешиги тепасида биринчи бор янграб, умр бўйи эшитадиган дилрабо куйларининг дебочаси, энг ёқимлиси саналади. Чунки момоларимизнинг айтишича, алла оҳанглари онанинг бутун вужудидан, унинг етмиш икки томиридан оқиб келармиш. Шундай бир ривоят бор. Қадимда бир оиланинг қизчаси йўқолиб қолади. Ота-она зор қақшаб излайди. Лекин афсуски, топа олмайдилар. Орадан кўп йиллар ўтиб, қиз балоғатга етганида уни топишга муваффақ бўлишади. Бироқ қиз ота-онасини тан олмай, ётсираб олдинги яшаган жойига кетишни истайди. Ота-онасининг ёлворишлари, болалигини эслатишлари ҳам таъсир этмайди. Шунда она қизидан яна бир кеча тунаб қолишини сўрайди. Қиз рози бўлади. Кечқурун ҳамма уйқуга кетганида, қизнинг кўзи илинар-илинмас она алла айтишни бошлайди. Ана шу алла қизнинг қалбига ажиб бир сеҳр солади, болалиги элас-элас кўз ўнгидан ўтади. Кўзларига ёш келиб, она меҳрини ҳис этади ва шу ондаёқ аёлнинг қучоғига талпинади. Алла сеҳри орқали она-бола топишиб муродлари ҳосил бўлади.

Ярим тун. Негадир уйқум қочди. Оҳиста ўрнимдан турдим-да, дераза олдига келиб, атрофни кузатдим. Ажиб сокинлик ҳукмрон. Кун бўйи югур-югурлардан чарчаган одамлар ширин ором оғушида. Биронта хонадонда милт этган чироқ кўринмайди. Шу пайт пастки қаватдаги хонадонда чироқ ёнди. Қизиқ, бу уйда ким яшаркин? Балки ижодкордир. Ярим тунда илҳоми келиб оқ қоғозга шоша-пиша нималарнидир қоралаётгандир. Ижод завқи. Ширин ва айни чоғда аччиқ дард. Оромингдан кечиб, ана шу дард оғушида ўртанасан. Қизиғи, бу сенга заррача малол келмайди. Шундай ҳаёлларга берилиб ўтирган эдимки, ҳалиги чироқ ёнган хонадондан гўдак йиғиси эшитилди. Бутун борлиғим билан саросимага тушдим. Нега йиғлаяпти экан? Бетобмикан? Билмадим. Негадир кўнглимга ёмон ўйлар келаяпти. Бирдан чақалоқ йиғиси тиниб, онасининг ширин алласи эшитилди.

Алла айтай, жоним болам,
Қулоқ солгин алла.
Ширин аллам тинглаб аста,
Ухлаб қолгин алла…

Анчадан бери йўқотиб қўйган нарсамни топиб олгандай қувониб кетдим. Алла–менинг жону дилим. Шу кезда беихтиёр онамнинг алласи қулоғим остида жаранглагандай бўлади.

Ана, она алласини эшитиб гўдак ҳам тинчиб қолди. Ёқимли алла унга яна ором бахш этди.

Она яралибдики, фарзандини ўйлаб яшайди. Унга ҳам қалб, ҳам кўз бўлгиси, ҳар дақиқада суянгиси, суйгиси келади. Шунинг учун ҳам оналик – бахт, оналик – саодат, оналик – катта масъулият. Оналаримиз ана шу мураккаб маъсулиятни ўз зиммаларига олиб, беқиёс инсоний меҳрибонлик эвазига дилбандларининг туғилиб ўсган, вояга етган Ватанларига содиқ фарзанд бўлишларини тилайдилар. Ҳар бир она ўз дил баёнини, қалб туғёнини, бор меҳр-муҳаббатини, армон ва орзуларини аллада баён этади. Истардимки, Ватанимдаги ҳар бир боланинг, жажжи гўдакнинг тепасида меҳрибон онаси алла айтсин. Ана шу алладан ором топган гўдакларимиз қалбига юрт меҳри, ватанпарварлик, оқибат ва муҳаббат мурғаклигидан кириб борсин.



**Муслима ТУРСУНБОЕВА.**



# НАВРЎЗИНГГА ШУКРОНА

Азиз юртим қучоғига келди Наврўз,
Борлиқ гўзал, нигоҳлар чўғ, орзулар мўл.
Бу эзгулик тимсолига топилмас сўз,
Шукрона деб дуоларга очамиз қўл.

Қадим-қадим қадриятлар қайтар яна,
Омон-омон давронлардан кўнгиллар тўқ.
Боғи-роғу майдонларда тўй-тантана,
Кўкка етган кексаларнинг армони йўқ.

Тандирлардан узилади кўксомсалар,
Сумалаклар анбар ҳиди тутар борлиқ.
Дўсту ёр деб кенг очилар дарвозалар,
Мурувватли она халқим бағри улуғ.

Кексаю ёш тилак қилар қалбда сурур, –
Бутун қилган ризқ-рўзингга шукроналар.
Замин узра ҳар юракка таратган нур –
Янги кунинг – Наврўзингга шукроналар.

**Зулфия НОСИРОВА.**

# ЗДРАВСТВУЙ, БАХТИШКА!

Долго билась со злом волшебница Адолат и всегда победительницей выходила. А однажды поглядела в свое чудо-зеркало и увидела, что уходят ее силы.

– Да, – молвила она с грустью. – Пролетел мой волшебный век. Пора и на покой. Только напоследок подарок людям сделаю: наделю великой мощью того, кого выберут четки справедливости. Появится на земле батыр, который с любой нечистью справится.

Раскрутила Адолат четки над головой, разлетелись чудодейственные бусины по облакам, в белые хлопья зарылись. Придет время – ими будет избранный отмечен.

В далеком горном кишлаке, в век компьютеров и ракет, когда о колдунах и драконах только сказки рассказывают, в грозовую ночь родился крепыш Бахтишка.

О появлении на свет он возвестил таким криком, что гром по сравнению с ним жалким шепотом показался.

– Что ж ты так раскричался, малыш? – обратилась к нему мама и заметила, что младенец, не отрываясь, смотрит на огромного ворона за окном.

– Карр! – ворон Хусумат клюнул стекло железным клювом, и оно разлетелось на мелкие кусочки.

– Карр! – распростер он над новорожденным черные крылья и вдруг, словно пронзенный молнией, упал на пол.

Светящаяся бусина пробила черному великану крыло, покружилась над мальчиком и вошла в розовое тельце, оставив след восьмиконечной звезды на плече.

Младенец заулыбался, а ворон со злобным карканьем убрался прочь.

– Чего только не привидится с усталости! – прошептала счастливая мать и закрыла глаза.

И очень кстати. Потому что через минуту появились создания, которые на посторонний взгляд не рассчитывали.

Восемь сказочных человечков приступили к посвящению в богатыри новорожденного Бахтиера.



В прозрачных башмачках справедливости вышагивали они по младенцу, шепча заклинания.

Трудное им дело предстояло: наделить малыша необыкновенной силой, выносливостью, дать ему любовь, чуткость, нежность и твердость – все то, что во времена стародавние завещала волшебница Адолат.

Седобородый Авлие несколько раз подпрыгнул на лбу, груди и ладонях:

– Да поможет тебе чудо в тяжелый час!

Юноша Адаб провел рукой по губам и приложил ухо к сердцу:

– Да не исторгнете вы злого слова!

Вихрем промчался Шоввоз:

– Да будут твои поступки честны и правильны!

Перепоясал мечом Мард:

– Пусть никогда не дрогнет твоя рука!

Кувыркнулся Чаккон:

– Ловкости тебе, сынок!

Оросил слезами Мурувват:

– Помоги слабому!

Зажег чудесный светильник Равшан:

– Да исчезнет тьма там, где пройдет Бахтиер!

Потом волшебники уменьшились до точек, заняли свои места на лучах звезды, взялись за руки и крикнули:

– Здравствуй, Бахтишка! Принимай богатыря, Земля!

А в разных ее уголках за малышом, которому предстояло совершить множество подвигов, наблюдали в два зеркала.

В одно, черное, уставился побитый Хусумат:

– Карр! Мы с тобой еще встретимся. Берргись воррона! Я добру не уступлю!

В другое, голубое, как небо, смотрела фея Адолат:

– Добро пожаловать в мир справедливости, малыш!

**Людмила ПОЛОНСКАЯ.**

## КЎКАТЛИ ҚОВУРМА МАНТИ



Масалliқлар: 2 стакан ун, 300 г қийма, 2 дона пиёз, зира, туз, ўсимлик мойи, жағ-жағ исмалоқ, кўкўт кўкатлари.

Тайёрланиши: пиёзни ва кўкатларни майдалаб тўғраб, ёғда қовуриб олиб, қиймага қўшинг. Устидан зира ва туз соласиз.

Ун, сув ва туз билан хамир қоринг. Хамирга ярим соат дам беринг. Кейин бўлакларга бўлиб, зувала қилиб чиқинг. Ҳар бир бўлакчани ўқлов билан ёйинг.

Хамирларнинг ичига қиймадан солиб, мантиларни тугинг. Кейин қасқонга териб, 30 дақиқа буғда пишириб олинг.

Мантини буғдан олиб совутинг.

Ҳар бирини ўсимлик мойида тилларангга киргунича қовуриб олинг.

## ЛИМОН ЁСТИҚЧАЛАРИ



Масаллиқлар: 2 стакан ун, 1 дона лимон, 80 г сариёғ, 2 дона тухум, 2 стакан ўсимлик мойи, қанд упаси.

Тайёрланиши: лимоннинг пўстини олиб ташлаб, шарбатини сиқиб олинг. Унга лимоннинг майдаланган лимон пўстини қўшинг. Сариёғни майда кесиб, сметана ва тухум билан қўшинг, устидан ун солинг. Оз-оздан лимон шарбатини қўшиб, хамир қоринг. Кейин хамирни думалоқ шаклга келтиринг. Устини плёнка билан ёпиб, 30 дақиқа музлатгичда қолдиринг.

Хамирни 1 см қалинликда ёйинг. Кейин фигурали пичоқ билан 2х2 катталикда квадратчалар кесиб чиқинг. Кейин уларни товада 4–5 дақиқадан қовуриб олинг. Охирида тайёр ёстиқчаларни қуритиб устидан қанд упаси сепасиз.

